



3

Эли соғнинг —
кўнгли тоғ

«Нурафшон»нинг
нурли йўллари 4



Мих устида
«ўйин» 7

Таъна эмас,
рахмат эшитайлик 8



БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН!



*Букун завқу ғурурларга тўлсангиз,
Алпомишга ҳайкал қўймоқ бўлсангиз,
Шу полвоннинг бўй-бастидан ўлчангиз,
Излаб келса тулпор — Бойчибор кетмас...*

КЎҲНА ТЕРМИЗ ПОЛВОНЛАРНИ ЧОРЛАЁТИР!

19–24 октябрь кунлари қадим Термиз шаҳрида кураш бўйича VIII — жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган X халқаро турнир бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли беллашувларда қатнашаётган ўзбекистонлик полвонларга зафар ёр бўлишини тилаймиз!

“ОБУНА — 2012”



“Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, сеvimли газетангизга обуна давом этмоқда.

Индекс — 176

Ўғилхон ая РАҲИМОВА:

Бундай замон қайда бор?

Ўғилхон момо 1927 йили таваллуд топган. 84 ёшда. Фаргона шахридаги Бешбола маҳалласининг Кува кўчасида умргузаронлик қилади. Хар йили тўй-томоша ёки кўнгил чигилини ёзмок ниятида икки-уч марта Тошкентга — тўнғич кизи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, фан номзоди, профессор Саодат Йўлдошеванинг уйига меҳмон бўлиб келади. Бу содда ва гапга чечан онахоннинг айтган хикоялари бир китобга сиймайди.

Ўғилхон аянинг ГАПЛАРИ:

— Чолим раҳматлини Назирхон ажа дейишарди, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди, 80 ёшда дунёдан ўтдилар. Худо берган олти фарзанд — икки ўғил, тўрт қизимизнинг барини ўқитдик, тўрт чеварам, ун тўртта неварам бор. Болаларимнинг роҳатини невараларимда кўра-



япман. Бари инсофли, бахтли-тахтли бўлишди. Хозир айтиб берсам, невараларим ишонмайди, бир замонлар битта велосипед минсам ҳам армонсиз дунёдан ўтардим, деган одамларни кўрганман. У пайтлари ана шу шайтон араваим тақчил бўлган-да. Хозир қаранг, хар

уйда борида икита, йўғида биттадан машина бор. Бундай замон қайда бор?! Бозорларимиз обод, дастурхонимиз тўкин, юртимизда тинчлик-осойишталик...

Авваллари ёш болалар нима қилишни билмай, кўча чангитиб юрарди. Бугун эса бўш юрган болани кўрмайсиз. Ўзимнинг невараларимдан киёс, бири курашга борса, бошқаси футболга чопади, яна бирови мусиқага қатнайди. Гапимга қулмайсизми, хозиргиларнинг бари ақли бўлиб туғилётганга ўхшайдими-ей. Эшитсангиз, гаплари катта одамлардай жўяли, маънили.

Рўпарамда яшайдиган яқин дугонам бор, Ибрагимова Имёхон дейди. Ўзи бир

ШУКРОНА

умр мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Икковимиз зериксак гурунглашиб ўтирамик. “Ўғилой, ҳеч тушингизга кирганимди шундай кунлар?” деб сўрайди ва “Тошканга бориб кепсиз, роса маза қилиб томоша қилгандирсизда, мен шу ўзимизни Фаргонага чиқсам, адашиб кетаман. Ҳаммаёқ бутунлай ўзгариб кетган, таниб бўлмайди. Юртбошимизни куну тун дуо қиламан, дунё тургунча турсинлар, Ўзбекистонимизни дунёга танитдилар”, деб алқагани алқаган.

Маҳалламизда зиёлилар кўплиги учунми, газета-журналлар ҳам келиб туради, обуна бўлганми-да. Айниқса, ўзим хар кун юртимиздаги янгиликлардан бохабар бўлиш учун телевизордан “Ахборот”ни қанда қилмай кўриб бораман, кўнглим тўлади, дуо қиламан.

Илоё, ҳаммамизнинг юзимиз ёруғ, бағримиз бутун бўлсин. Икки дунёда ҳам кам бўлмайлик. Ватанимизни ёмон кўзлардан асрасин, мустақиллигимизга кўз тегмасин!

Норқобил ЖАЛИЛ
ёзиб олди.

Қадимдан ота-боболаримиз бежиз “Ўт балосидан асрасин” дейишмаган. Ёнгин инсонлар ҳаёти ва соғлиги, давлат ҳамда жамият манфаатларига зиён етказувчи офатдир. Масалан, 2011 йилнинг ўтган 9 ойи давомида республикамизда 9051 та ёнгин ҳодисаси қайд этилган бўлса, шундан 6956 таси ёки 76,9% аҳоли турар жойларига тўғри келади. 2010 йил давомида эса содир бўлган ёнгинлар 14258 тани ташкил этиб, шулардан 10853 таси ёки 76,1% аҳоли тураржойларига тўғри келган эди. Агар ўтган йилларга ҳам назар ташласак, юқоридаги каби ҳолатларга гувоҳ бўламиз.

Мазкур офатларни келтириб чиқарувчи омиллар таҳлил этилганда, ёнгин аксарият ҳолларда иситиш ускуналари (печлар), электр жиҳозлар ва очик оловдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги талаблари кўпол тарзда бузилиши ҳамда ёш болаларнинг ўзбошимчалиги оқибатида рўй бериши аниқланди.

Лекин биз бугун бошқа бир сабаб, яъни биноларни лойиҳалаш ва қуриш жараёнида ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг оддий талаб-қоидаларига риоя қилмаслик қандай оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги хусусида тўхталмоқчимиз. Маълумки, истиклол шарофати тўғрисидаги пойтахтимиз ҳамда вилоят ва туманларимизда замонавий архитектура ва дизайнга мос тарзда шахсий уй-жойлар қурилмоқда. Уларда барча шарт-шароитлар муҳайё этилгани кишини қувонтиради. Бироқ шу ўринда бу ховлилар (маҳалла, мавзелар)да ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қай даражада эътибор қаратилаётганига диққат қилайлик. Меъёрий ҳужжатларга назар ташлайдиган бўлсак, шахарсозлик норма ва қоидаларида яқка тартибда тураржой ва ёрдамчи мақсадлар учун мўлжалланган объектлар қурилиши тугаллангандан сўнг маҳаллий ҳукумат ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланган ва таркибига мажбурий тартибда қурилиш

эгаси — мулкдор, архитектура идоралари ва яқка тартибда тураржой қурилиши ва

Ёнгин хавфидан сақланинг

киллари киритилган ҳайъат ёнгин хавфсизлиги текширувни бир босқичда амалга ошириши белгиланган.

Кўпинча шахар жойларда мавжуд ховлилар ўрнида икки ёки уч қаватли уйлар қуриш ҳолатлари кўп учрамоқда. Тўғри, мазкур уйни тиклаш учун лойиҳа тайёрланади. Лекин савол туғилади: хўш, ана шу ҳовли атрофидаги бино ва иншоотларга нисбатан жойлашуви (ситуацион режаси) инобатга олинганми? Афсуски, айрим ҳолатларда бинолар орасида қолдирилган лозим бўлган ёнгинга қарши оралик масофаларга эътибор берилмагани аниқланмоқда. Бу эса битта бинода содир бўлган ёнгиннинг иккинчи бинога қаршилиқсиз тез тарқалишига сабаб бўлади. Бу эса бир қўшнингнинг уйида содир бўлган ёнгин хашаматли уй қурган қўшнисига катта моддий зарар етказиши натижасида ўртада хар хил низолар келиб чиқмоқда. Охир-оқибат, моддий зарар миқдорининг катталиги сабабли айбдорни аниқлаш ёки етказилган моддий зарарни қоплаш узоқ муддат-

ЎЗ УЙИНИНГ ЎЗИНИНГ АСРА!

га чўзилиб кетмоқда.

Айрим маҳаллаларда ёнгинни зудлик билан бартараф этиш мақсадида сув хавзалари ташкил этилган бўлса-да, баъзи бир фуқароларнинг ўз манфаатларини ўйлаб, белгиланмаган жойларни уйларига қўшиб юбориши қимматга тушаётир. Масалан, Самарқанд шахрига қарашли Марказий Арабхона маҳалласида ёнгинга қарши тайёр-

ёки хоналарни таъмирлаш билан боғлиқ масаладир. Фуқаролар аксарият ҳолларда қурилиш материалларини бозор ёки қурилиш моллари дўконларидан харид қилишди. Аммо бирор киши ушбу материалларга тааллуқли, уларнинг тавсифлари ҳамда қўлланishi кўрсатилган ҳужжатларни сўраб мурожаат этмайди. Бундай бепарволик эса баъзан ёмон оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини унутиб қўямиз.

Муҳтарам юртдошлар! “Тилсиз ёв” — ёнгин содир бўлишини олдиндан тўлатқис аниқлаш имкони йўқлигини эътиборга олган ҳолда, кўп қаватли ёки шахсий тураржой биноларида ёнгинни пайқаш ва автоматик хабарлаш қурилмаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратинг. Кейинги пайтларда бундай беминнат хабарчи вазифасини ўтовчи жиҳозлардан фойдаланиш истагида бўлган фуқароларимиз сони кундан-кунга ошиб бораётгани эътиборга молиқдир. Ушбу автоматик қурилмалар уйингизда содир бўлган ёнгин тўғрисида нафақат товушли хабар бериши, балки тармоқ орқали хабарни махсус хизматларга, хаттоки узоқ масофада бўлсангиз-да, кўл ёки хизмат телефонингизга ҳам юбориши мумкин.

Биз сизни хар қандай ҳолатда ҳам огоҳлик ва ҳушёрликка чорлаш билан бирга, бу дунёда топганларингиз яхшиликка буюришини, барчангизга хайрли ишлар, эзгуликлар йўлдош бўлишини тилаймиз

Мурод АГЗАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.

Қадрдон меҳмонимга айланган

Хурматли таҳририят! “Оила ва жамият” газетаси ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб улгурган десам, муболага бўлмайди. Газета нафақат мен, балки кичкинагина жамоамиз учун ҳам тилсиз, забонсиз, лекин саҳифалари тиллоларга тенг дўстга айланган.

Айниқса, газета саҳифаларида чоп этилган “Бахт қалити қимнинг кўлида”, “Зангори экраннинг зарари борми?”, “Зирак таққан йигитлар”, “Ун саккизга кирмаган мен бор” каби долзарб мавзудagi мақолалар хар қандай кишини мулоҳаза қилишга, мушоҳада юритишга ундайди. Бўлимимиз қошидаги “Оила дорулфунуни” сабоқларида тахлам қилиб қўйилган “Оила ва жамият” газетаси жуда ҳам кўл келмоқда. Куни кеча идорамизга бир аёл кириб келди. Кўринишидан кўпни кўрган, қайвонлиги сезилиб турарди. Углининг никоҳини расмийлаштирмоқчи экан. Куёв бўлиши уч кундан сўнг узоқ сафардан келаркан. Тўй ҳам белгиланбди. Шунда севимли газетамда яқиндагина чоп этилган “Омонат қурилган кўрган” мақоласида тилга олинган жиддий мавзуга оид фикрларни онахонга ўқиб бериб, никоҳни расмийлаштиришнинг ўзига хос тартиб-қоидаларини батафсил тўшунтирдим. У киши тўғри тушунган ҳолда ҳузуримдан кичиб кетди...

Биз соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маҳаллий ҳокимликлар билан бирга туманимиз маҳаллаларида ўтказилган тадбирларда “Ун саккизга кирмаган мен бор” мақоласини муҳокама этиш билан бирга, беш нафар никоҳ ёшига етмаган қизларнинг тўйини кенчатиришга эришдик. Мақолада кўтарилган долзарб мавзунинг нечоғли катта аҳамиятга эга эканини кенг жамоатчилик орасида таҳлил қилдик, бу баҳс-мунозарара сабаб бўлди. Мана, сизга газетанинг кучи, таъсир доираси!

“Оила ва жамият” инсонлар қалбига эзгулик уруғларини сочишда, нотинч оилалар сонининг камайишида, маънан ва жисмонан соғлом фарзандларнинг камол топишида воситачи, тарғиботчи вазифасини ўтайверишини чин дилдан тилайман.

Эътиборхон БҲУРОНОВА,
Самарқанд вилояти,
Тайлоқ тумани
ФХДЭ бўлими мудир.

МИННАТДОРЧИЛИК

Шароитлар етарли, шифокорлар малакали

Ўтган йили қаттиқ бош оғриғи ва уйқусизлик мени жуда безовта қила бошлади. Аввалга энди нима қиламан, қайси шифохонага борсам экан, дея кўп ўйладим. Кўни-қўшнлар тавсия этгач, ўзимизнинг оилавий поликлиникамизга мурожаат этдим. Бош шифокор Замира Незматова менга шахар ташхис марказига бепул йўлланма берди. Ҳеч бир қийинчиликсиз тиббий кўриқдан ўтиб, таҳлиллар натижасини поликлиникамизга олиб келдим. Терапия бўлими бошлиғи Насиба Парлибоева ташхисга биноан муолажа ёзиб бергач, даволашни ишларини бошлаб юбордим. Ҳамшира Азиза Маҳкамова хар кун уйимизга келиб, муолажаларни ўз вақтида олиб берди. Тажрибали тиббий ходимларнинг беминнат хизмати тўғрисида дарддан теъда фориғ бўлдим. Шундан буюн ўзимни яхши ҳис қилаяпман. Вақти-вақти билан шифохонамизга бориб, кўриқлардан ўтиб тураман. Пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги 20-оилавий поликлиникада хизмат қилаётган шифокору ҳамшираларнинг саъй-ҳаракати тўғрисида юзлаб хотин-қизларимиз соғлиғи мустаҳкамланиб, фарзандларимиз хар томонлама соғлом бўлиб воёга етишмоқда. Биз кексалар саломатлиги ҳам тиббиёт ходимларининг доимий эътиборида.

Меҳри ЭРҒАШЕВА,
Олмасор тумани Қорақамиш 1/4
дахаси 10-уй 59-хонадон.

Мустақиллик йилларида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофиза қилиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг оиладаги ва жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллиги ҳамда мавқеини янада ошириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2010 йили қабул қилинган “Ўзбекистон аҳолиси ўртасида макронутриентлар етишмовчилигининг олдини олиш тўғрисида”ги Қонун ижроси халқимиз орасида камқонлик хасталигини камайтиришга хизмат қилмоқда. Семинарда айтиш шундай мавзуда маъруза қилган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг болалар бош гематологи, Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институтининг камқонлик маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Дилором Сулаймонова билан суҳбатлашдик.

— Темир моддаси инсон жисмининг ҳар бир хужайрасида мавжуд бўлиб, организмга кислород етказиб берадиган асосий “таъминотчи” дир, — дейди Дилором Сулаймонова мавзунинг давом эттирар экан. — Болаларда, ҳомилалар ва туғиш ёшидаги аёлларда темир моддасига эҳтиёж эркакларга нисбатан 3-5 марта юқори бўлади. Ўсмир қизлар ҳайз кўра бошлагач, организмда темирга эҳтиёж кескин ошади. Ҳайз кўриши тикланган эмизикли аёлларда ҳам шундай ҳолат юзага келади. Шу боис камқонлик ҳомилалар аёллар, болалар ва ўсмир қизларда кўпроқ кузатилади. Улар хавф гуруҳига киради, алоҳида эътибор талаб қилади.

Аёл ҳомилаларлик пайтида камқонлик дардига йўлиқса, туғилган боланинг ақлий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Камқон боланинг иммунитетига паст бўлиб, тез-тез хасталаниб қолади. Мавсумий оддий шамоллашни ҳам оғир ўтказад. Салга қайталанаверади, касалхонада ётиб даволанишга боради. Бундай болалар тез толиқиши натижасида дарсларни ўзлаштира олмамлиги мумкин. Айниқса, ўсмирлик ёшидаги жинсий ривожланишда темир моддасининг етишмовчилиги хавфи 2-3 баробар ошади. Ахир, қон бу — жон, дегани.

— Камқонлик хасталигининг қандай белгилари бор?

— Беморда таъм сезиш бузилиб, кесак, бўр, қоғоз, сувоқ, хамир, хом макарон, хом гуруч, чой шамаси ва шунга ўхшаш нарсаларни ея бошлайди. Ҳид сезиши ҳам ўзгаради. Бензин, ацетон, буёқ, тутун, тупроқ, зах, янги пойабзал иси ва шунга ўхшаш ҳидларни ёқтиради. Бу белгилар бошқа хасталиқларда учрамайди. Беморнинг тирноғи мўрт, тез синувчан, гадир-будур бўлиб қолади. Куюқ овқатлар томоққа тикилиб, ютиш қийинлашади. Бош оғриши, бош айланиши, ҳолсизлик, иштаҳа пастлиги, ич қотиши, хотира пастлиги, ҳансираш, тери ва шиллиқ қаватларнинг қуруқлиги, лаб атрофи бичилиши, сочларнинг ингичкалашиши ва тўкилиши, тез-тез шамоллаш каби ҳолатлар ҳам кузатилади.

— Дилором опа, рационал овқатланишда нималарга эътибор бериш зарур?

— Аввало, овқатланиш жараёнида зарарли одатларни бартараф этиш керак. Ҳар бир мамлакатнинг, миллатнинг

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистларнинг тиббий билимларини ошириш орқали оналик ҳамда болаликни муҳофиза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш мақсадида ўқув-семинар ташкил этди. Машғулотларни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Хотин-қизлар кўмитаси, Адлия ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли илмий-тадқиқот марказларининг мутахассислари олиб боришди.

овқатланиш урф-одатлари бор. Осиё халқларида аёллар ва болаларнинг таом ейиш вақтида чой ичиш одати бор. Чой овқатдаги темир моддасининг 70-100 фоизини ўзлаштиришга тўсқинлик қилади. Шу боис чой ўрнига мева шарбати, компот, куруқ мева дамламаси ёки қайнатил-

бўлмайди. Аҳоли орасида шакар қонни кўпайтиради, қувват беради, деган нотўғри фикр юради. Айниқса, ҳомилалар аёллар кўпроқ новвот ёки шакарчой ва ширинликлар истеъмол қилишади. Афсуски, шакарда озик-лантирувчи моддалар жуда кам. Инсон организми учун зарур

моддаси мавжуд. Она сути гўдакка олти ойлигигача ҳам озик, ҳам ичимлик бўлади. Олти ойдан кейин қўшимча гўшт, балиқ, мева-сабзавот, шарбат, ёрма каби овқатларни бериш лозим. Темир моддаси балиқ ва гўшт маҳсулотларида кўп, улар организмда яхши сўрилади ҳам.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЭЛИ СОҒНИНГ — КЎНГЛИ ТОҒ

* Бойитилган нон — бепул профилактика

* Энг кўп темир моддаси кўкатда

* Шакар қонни кўпайтирмайди



ган сув ичиш тавсия этилади. Чойни овқатдан сўнг 1-2 соат ўтказиб ичиш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, 3 ёшгача бўлган болаларга чой, кофе, шакар бериш ман этилади. Бола организмда ширинликка эҳтиёж

шира табиий маҳсулотларда — мевалар, полиз маҳсулотлари ва уларнинг қоқи, шинни, шарбатларида ҳамда асалда бор.

Ёш болалар ўртасида камқонликнинг олдини олишда она сутининг аҳамияти жуда катта. Унда етарли миқдорда темир

Шунни таъкидлаш лозимки, дук-какли донлар — мош, нўхот, ловия... бу борада гўштнинг ўрнини боса олади. Бундан ташқари, сирка кислоталари, ачитқилар, қатик, сузма, айрон, қимиз ҳам темир моддасининг сўрилишини кучайтиради. Нон истеъ-

мол қилганда темир кам ўзлаштирилади. Лекин сал аввал тилга олинган маҳсулотлар қўшиб ейилса, темир сўрилиши бир неча баробар кучаяди. Чой, кофе, какаонинг таркибида таъмин моддаси бўлгани боис организмда темир сўрилишини камайтиради.

— Юртимизда темир моддаси, фойлий кислотаси ҳамда бошқа витаминлар билан бойитилган ун ва ундан тайёрланган нон сотувга чиқарилмоқда. Хавфли гуруҳ ҳисобланганларга темир препаратлари таблетка, капсула, сувоқ ҳолда бепул тарқатилаётир. Бу чора-тадбирлар қандай натижа берапти?

— Ҳукуматимиз томонидан камқонликнинг олдини олиш мақсадида юртимизда ишлаб чиқарилаётган 1-навли бугдой уни темир моддаси, фойлий кислотаси ва бошқа витаминлар билан бойитилмоқда. Бойитилган ун республикамизнинг барча вилоятларида сотувда бор. Бундай ундан тайёрланган буханка нонлари арзонлаштирилган нарҳда сотувга чиқарилапти. Ортиқча харажатлар эса давлат томонидан қопланмоқда. Бу эса камқонликнинг олдини олишда бепул профилактика саналади. Ҳар куни шундай нондан 300-350 г истеъмол қилинса, организм суткалик темир моддасига бўлган эҳтиёжининг ярмини олган бўлади. Баъзилар олий навли, оппоқ нон ейишни хуш кўришади. Аммо унда витаминлар деярли йўқ. Таълим масканларида болаларимизга сотилаётган нон, ширин қулча, сомса ва бошқа егуликларнинг бойитилган ундан пиширилса фойдали бўларди.

Охириги ўн йилда республикамизнинг барча вилоятларини туғиш ёшидаги аёлларга, ўсмир қизлар ва ёш болаларга бепул темир препаратлари тарқатилди. Ҳозирги кунгача “саплементация” дастур асосида ҳар чоршанба куни хавфли гуруҳ ҳисобланганлар темир препарати истеъмол қилмоқда. Уларнинг сони 5 миллионга етди. 2009 йилдан буён Навоий, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятида 5 ёшгача бўлган болаларга бу препарат бепул тарқатилапти. Маъзур дастур натижаларини ўрганиб чиқдик. Икки йил мобайнида болалардаги камқонлик 20-25 фоизга камайган. Яна, зотилжам, ич кетиш ва бошқа касалликларга чалиниб, касалхонага тушиш ҳоллари ҳам кескин озайди. Негаки, камқон болада иммунитет пастлиги кетиб, касалликларни тез юқтириб оладиган бўлиб қолади. Препарат ҳафтада бир марта чоршанба куни, албатта, шифокор назоратида қабул қилинади, яъни бир чой қошиқ сувоқдан ёки 1 дона таблеткасидан ичилади. Кечқурун уйкуга ётишдан олдин ичилса, темир моддаси қонга яхши сўрилади. Афсуски, қони фойда бўлган бепул дорининг қадрига етмаслик ҳолатларига ҳам дуч келиб тураемиз.

Азиз ота-оналар! Камқон болангизнинг бирор жойи оғримаса-да, унга эътиборли бўлинг. Вақтида даволанса, эртага невараларингиз, давомчи авлодларингиз ҳам соғлом туғилади. Фарзандларимиз ҳар томонлама баркамол бўлса, келажакимиз порлоқ бўлади. Эли соғнинг — кўнгли тоғ, деб бежиз айтишмаган.

“Оила ва жамият” муҳбири Тамара ХУММАМАТОВА суҳбатлашди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги темир моддаси миқдори

Озиқ-овқат маҳсулотлари 100 грамм	Темир моддаси миқдори мг	Озиқ-овқат маҳсулотлари 100 грамм	Темир моддаси миқдори мг
Мол жигари	7.0	Гречка	3.0
Қўй жигари	7.5	Гуруч	0.8
Товуқ жигари	9.5	Бугдой уни	1.2
Чўчка жигари	13.8	Олма	0.1
Мол буйрағи	7.2	Беҳи	0.3
Қўй буйрағи	3.5	Ўрик	0.5
Мол юрағи	4.9	Қурилган ўрик	4.1
Қўй юрағи	3.6	Анжир	0.3
Мол тили	4.9	Қурилган анжир	4.2
Қўй тили	1.8	Шафтоли	0.4
Мол гўшти	2.1	Қурилган шафтоли	6.8
Қўй гўшти	1.6	Узум	0.3
От гўшти	3.3	Майиз	3.8
Парранда гўшти	0.7	Кора олхўри	2.9
Қуён гўшти	1.0	Исмалок	2.1
Курка, товуқ гўшти	0.6	Петрушка	7.7
Сазан балиқ	0.9	Укроп	9.5
Скумбрия	0.8	Ялпиз	9.5
Сардина	1.4	Ерёнгоқ	2.9
Тухум (1 дона)	1.9	Ёнгоқ	2.9
Қизил ловия	6.4	Бодом	3.0
Оқ ловия	7.6	Кунгабоқар (семечка)	6.4
Нўхат	5.5	Картошка	0.8
Мош	2.8	Ош қовоқ	0.8
Жўхори	4.0	Макарон	2.1
Бақлажон	0.6	Шакар	0.1

— Асли касбингиз врач-биохимик экан. Тадбиркорликни танлашингизга нима туртки бўлди?

— Раҳматли бувим Тожинсо ая чевар, сўзга чечан, махалладошларига бичиш-тиқишни ўргатадиган аёллардан эди. Эсимда, 95 ёшларида ҳам бир жойда бекор ўтиришни ёқтирмасди. Кўпчилик у кишининг тиниб-тинчимаслигини кўриб, “Бувижон, болаларингизнинг ҳаммаси топармон-тутармон бўлса, қариган чоғингизда роҳат-фароғатда яшамайсизми? Энди шу ишингизни қўйинг”, десалар, жилмайибгина: “Нима қилай, болажоним? Халол ишлаб пул топганга не етсин. Ишонсанглар, ҳамма болаларимни оёққа тургазишимда мана шу тикув машинам қўл келган”, дердилар. Авлодимизнинг бари зиёли, элда меҳнати ортдан обрў топган инсонлардир. Масалан, тоғаларим Минхожи Аскарлов — академик, Маҳмуджон Магруппов — профессор, Миразиз ака эса иқтисод фанлари номзоди, онам Лутфия Иноғомова эса химия-биология фанлари номзоди... Дарвоқе, етти нафар фарзандининг ана шундай улуг мартабаларга етишида бувижонимнинг хизматлари беқийс. Хуллас, тадбиркорлик балки бизларга бувимдан ўтгандир.

— Қачондан бошлаб ўзингиз мустақил равишда фаолият кўрсата бошладингиз?

— Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича катта имкониятлар яратиб берилгач, 1995 йили дастлаб акам ўз оилавий бизнесини йўлга қўйиш мақсадида “Иаба Анвар” номли хусусий корхона ташкил этди. Ушанда мен педагогика коллежидан ишлаб юргандим. Акамнинг фаолиятини кузатиб, беихтиёр менинг ҳам тадбиркорликка қизиқишим ортди ва иш ўрганиш учун бориб-келиб юрдим. Кейин машинада тикиш-бичишни ўргандим. Анча-мунча тажриба орттиргач, 2007 йили ишчилар учун махсус кийим-кечаклар тикишга ихтисослашган “Нурафшон-нур” ишлаб чиқариш корхонасини очдим. Бугунги кунда юздан ортиқ қўшма, хусусий ҳамда давлат корхоналари билан ҳамкорликда ишлаяпмиз.

— Бу ердаги иш жараёни ҳақида ҳам сўзлаб ўтсангиз.

— Оддий мисол, дизайнеримиз Илмира Султонова мижозлар фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, либослар дизайнини яратади. Айрим харидорларнинг ўзлари корхонамизга келиб, манзур келган буюмларга буюрма беришади. Шогирдларим сони бугун юздан ошди. Улар орасида Махмуда Абдухоликowa, Дилшод Болтаев, Умида Миродилова кабиларнинг эришаёт-

Муҳаббат Тошмухамедованинг “Нурафшон-нур” хусусий корхонаси Тошкент шаҳридаги “Отчопар” буюм бозорига олиб борувчи катта йўлнинг четидан жойлашган. Пештоқиға “Uniform” деб ёзилган бинонинг биринчи қаватиға кирган мижоз кийим-кечаклар дўконига келиб қолдим, шекилли, деб ўйлаши табиий. Боиси, бу корхонаға кираверишдаги хонада ишчилар либосини кийган маникен “йигит”лар “Келинг, хизмат”, дегандек, сизни “кутиб” олади.

Бу ерга келган ҳар қандай кишининг диққат-эътиборини корхона ҳаёти ҳақида тўлиқроқ маълумот берувчи реклама роликлари, суратлар, диплом ҳамда фахрий ёрликлар тортиши табиий... “Ташаббус—2009” кўрик-танловининг Учтепа туман босқичида “Энг яхши тадбиркор” йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллагани учун диплом, “2009 йил 15 май — Халқаро оила кўни муносабати билан “Энг намунали оила” мавзусида ўтказилган тадбирда фахрли ўринни олгани учун Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг фахрий ёрлиги...

Яхсиси, “Нурафшон-нур” корхонаси раҳбари Муҳаббат опани суҳбатга чорлаймиз.

“Нурафшон”нинг нурли йўллари



ган ютуқларидан қувонаман. Шу камтарин меҳнатим туфайли бир неча хорижий давлатларга бориб, у ердаги ишбилармон хотин-қизлар фаолияти билан яқиндан танишдим.

— Биласиз, аёлнинг бахти биринчи навбатда ўз оиласида тўқиб бўлиши керак. Шундан кейингина у жамиятда фаолликка интилади...

— Дарвоқе, ҳар қандай шароитда ҳам ҳаётни қадрлайдиган, ҳалол ва тўғри яшамоқни саодат деб биладиган ота-онанинг фарзанди бўлиш ҳам бахт экан. Дадам (Оллоҳ раҳмат қилсин) Бахтиёр Иноғомов кўп йиллар пойабзал фабрикасида раҳбар бўлиб ишлаган. Онам эса падари бузрукворимиздан эшитган ибратли амалларни алоҳида

дафтарга ёзиб борар экан. Вақти келиб, у кишининг бой тажрибалари бизларга жуда асқотди. Онам ҳар доим аҳиллик, ҳамжихатлик, иноқлик билан кўп нарсаларга эришиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Оилада уч нафар фарзандимиз. Бизларни тадбиркорликдан кўра, очигини айтсам, мусиқа бирлаштириб туради. Болагимиздан санъатни яхши кўрганимиз учунми, укам иккимиз пианино чаламиз, акам рубобга ишқибоз эди. Афсуски, акам раҳматли бор-йўли 37 йил умр кўрган бўлса-да, лекин фарзандлари ва бизлар учун катта ҳаёт сабоқларини ўргатиб кетди.

Менинг эса уч нафар фарзандим, шириндан-шакар икки наварам бор. Турмуш ўртоғим Фаз-

лиддин Тошмухамедов Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган. Ҳозир корхонада менинг энг яқин маслаҳатчим, суянчиғим. Қандай муаммо бўлса, ёрдам бериб, қўллаб туради. Икки қизимнинг каттаси оилали, кичиги эса талаба. Ўғлим Исфандиёр коллежда ўқиш билан бирга, корхонамизда янги тикиладиган либосларга ёрликларни программалаштириш ишларини амалга ошириш билан шуғулланмоқда.

— Тадбиркорликни бошлаш арафасида турган хотин-қизларга қандай маслаҳатлар берасиз?

— Энг аввало, ният ҳолис, мақсад аниқ бўлиши шарт. Фақат орзу қилиш ёки фалончи тез бойиб кетибди, мен ҳам бир йилда ўзимни тиклаб оламан, деганлар адашади. Асосийси, ўз ҳақ-хуқуқини яхши билсин. Қолаверса, эртасини ўйлайдиган тадбиркорда моддий маблағдан ташқари билим ва тажриба, ғайрат-шижоат бўлиши керак деб ўйлайман. Масалан, ўзим ҳам шу даражада етгунимча қанча муаммоларга дуч келдим. Лекин юртимизда хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар билан бирга катта имтиёзлар ҳам яратиб берилгани учун кўпгина ютуқларга эришдик.

Ҳозирги кунда корхонамизда 30 нафар хотин-қиз фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти касб-хунар коллежларида ўқиш билан бирга, корхонамизда тажриба орттирган ва бугунги кунда шу ерда ишлаяпти. Шунингдек, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти билан тузилган ҳамкорлик шартномасига биноан иктидорли талабалар бизда амалиёт ўташади. Насиб этса, яқин орада юз ишчи ўрнига эга корхонани ишга туширишни режалаштирганмиз.

Нигора РАҲМОНОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.



ОҚБОШ — юртимизда бу сўз билан аталадиган айрим жойлар ҳам бор. “Оқбош” мамлакатимизда ўсалган, даштларда кўп учрайдиган бўйи ярим метрча келадиган, сербарг, майда оқ тўп гулли ёввойи ўтнинг номини билдиради.

Оқбош, супурги, шувоқ, ёвшан, читир дасталарини райҳон сувига чайиб, қуритиб қўйибдилар сояга.

Асқад Мухтор

ТАБЛЕТКА — бўлақларга бўлинган, тугмачасимон қаттиқ дори маъносини ифодалаган “таблетка” сўзи тилимизда фаол қўлланади. Бироқ унинг туб маъносини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз. “Таблетка” сўзи француз тилидан кириб келган бўлиб, “қулча” деган маънони билдиради.

У кичкина шиша идишчани очиб, бир дон таблеткани олди-да, тилининг тагига ташлади.

Газетадан

ҲАЗРАТ — энг юксак мартабаги кишига мурожаат сифатида ишлатилган бу сўз ҳурмат, эҳтиром маъносини ифодалаган. Масалан, Ҳазрат Навоий, Ҳазрат Ясавий.

“Ўзбек тилининг этимология лугати”да изоҳланишича, “ҳазрат” сўзининг туб илдизи “хузурда бўлди” деган маънони ифодалаган.

Ҳазрат Навоийнинг “Хамса”си жаҳон адабиётининг бетимсол хазиналаридан бири сифатида эътироф этилган.

Газетадан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Замин билан тиллашади у...

Нарпай туманидаги “Тўра Ботиров” фермер хўжалиги аъзолари туманда давлатга пахта сотиш бўйича шартномавий режани биринчи бўлиб олти иш қундаёқ бажариб қўйишган эди. Деҳқончилик соҳасида яхшигина тажриба орттирган фермер Ўткирбек Ботиров бу йилги муваффақиятлар хусусида шундай дейди:

— Ниятимиз ҳолис экан, аввалига галладан мўл ҳосил олдик. Кейин эса 77 гектар майдоннинг 41,6 гектарига экилган “Султон” навлани чигит парвари-

шига жиддий эътибор қаратдик. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди. Албатта, бу йилги об-ҳаво шароити анча мураккаб кечган бўлса-да, лекин хўжалигимиз аъзоларининг ҳалол пешона тери эвазига пахтадан ҳам катта хирмон кўтардик. Техника — деҳқоннинг қаноти, дейишадди. Хўжаликда ер ҳайдайдиган, ТТЗ-80, ТТЗ-28 тракторлари мавжуд. Ўтган йили лизингга яна битта техника сотиб олган эдик. Жорий йилда етиштирилган баракали хирмонга сувчилардан Абдурозик Баннаев, Ҳасан Ҳам-

роев, тракторчилардан Тўлқин Хотамов, Шаҳобиддин Ботиров муносиб улуш қўйишди, албатта.

Бугун чин маънода кишлоқ мулкдорига айланган Ўткирбек Ботиров гурунг орасида Юртбошимизнинг энди истиқлолга эришган йиллари “Ҳали шундай кунлар келади, фермер бойийди, чиройли уйлар қуради, қўша-қўша машиналар минади. Деҳқон бой, тўқ бўлса, юрт ҳам обод бўлади”, деган мазмунда айтган пурмаъно сўзлари айни ҳақиқатга айланаётганини гуру-

билан таъкидлаб қўйди. Унинг ўзи сездирмаган бўлса-да, лекин ҳамроҳлари, қишлоқдошлари ҳар доим кўпчиликка қўлдан келгунча яхшилик қилиб юрадиган Ўткир фермернинг айрим савобли ишлари хусусида ҳам гапириб қолишди. Бу қўли очик ва ҳимматли йигит кўни-қўшнилари, таниш-беоналарга ҳам меҳр-муруват кўрсатиб, ободончилик йўлида ибратли юмушларга бош-қош экан. Шунингдек, умр йўлдоши Санобархон билан уч нафар фарзандни ақлли, илму маърифат-

КИШЛОҚ ҲАЁТИ

ли қилиб вояга етказётган бу оилга кўпчиликнинг хаваси келишини ҳам яширишмади.

Билагида кучи, юрагида ғайрат-шижоати жўш урган ёшларни ёнига олган, ўзини шу Ватаннинг муносиб фарзанди, деб биладиган она замин билан тиллашувчи ҳақиқий мулкдор Ўткир Ботиров каби жонқуяр фермерлар сафи кенгаётгани ҳам қандай кишини қувонтириши табиий.

Ҳошим ОРЗИКУЛОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири,
Самарқанд вилояти.

Бекобод туманидаги Саврак маҳалласи оқсоқоли Мухиддин ака Ялғашов газетамизнинг кўп йиллик мухлисларидан бири. Уз таъбири билан айтганда, беминнат тарғиботчимиз ҳам. Яқинда у киши кўнгирак қилиб, "Агар маъқул келса, ўзининг хайрли ишлари билан маҳалладошларига ўрнак бўлаётган Пардабой Бекмирзаев ҳақида газетангизда мақола чоп этсангизлар" деб қолди.

қолаверса, менинг олдимда ишонччи оқлашди. Пахта азал-азалдан халқимизнинг улуг бойликларидан бири. Шунингдек, республикамиз иқтисодиётини кўтаришга хизмат қиладиган асосий манба саналади. Шунинг учун фарзандларим, невараларим, кўни-кўшнлар ҳосилни ўз вақтида етиштириб олиш учун тинмай ишлашди. Қадимгилар "Ерга меҳр кўйган инсон ҳеч қачон хор бўлмайди" деб бежиз айтишмаган. Моҳинисо аянғиз би-

лан 42 йиллик тинч-тотувликда кечирган турмушимиз давомида бир этак фарзандларни тарбиялаб, вояга етказдик. Яратганга шукрки, уларнинг барини ўқимишли, элга нафи тегадиган қилиб тарбияладик. Биз кўрмаган ёруғ кунларни улар кўрапти. Ҳалиям эсимда, бир замонлар ота-онамиз оёғимизга кийим топса, устимизга етказолмасди. Кейин нима қиларди, ака-ука, опа-сингил бир-бириникини кийиб кетаверарди-да. Ҳозир

ОДАМЛАР ОРАСИДА

йилда фермер бўлишни ҳавас қилиб, аввалига 21 гектар майдонда деҳқончилик қилган бўлса, бугунги кунда бу рақам 51 гектарга етибди. Хар йили давлатга ғалла ва пахта топшириш шартномавий режаларини ошириб бажариб келаётган "Маматқул ота" фермер хўжалиги олинётган даромад ҳисобидан биринчи навбатда ўз аъзоларининг моддий манфаъдорлигини ошириб бориш билан бирга, қишлоқ хўжалиги техникаларини ҳам харид қилмоқда.

Пардабой ота гурунг орасида ўз ота-боболарининг полвонлик, жумладан, чавандозлик бобида ҳам доврўғ таратганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам ташқарига чиқиб, ҳовли айлансак, кўрада зотдор отлар пишқириб турган экан. Отаҳон изох бериб қўйди: "От йигитнинг қаноти бўлади" деган гап бекорга айтилмаган. Уйда оти бор оиладан ҳеч қачон хайр-барака кўтарилмайди. Масалан, бизлар Қорабайир зотларини кўпайтириб, сақлаб келаётган бешинчи авлодмиз. Уғлим Иномжоннинг ўзи учқур чавандоз. Невараларимга ҳам от миниб, чопишни ўргатяпти..."

Такдир экан-да, кўп йиллар қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раиси сифатида ўз юрдошларининг қувонч-ташвишларига шерик бўлиб юрган Пардабой ака кутилмаганда хасталикка чалиниб, икки оёғидан айрилибди. Лекин сабр-бардош ниҳоятда мустақамлиги боис, бошидан кечган оғир синовларни ҳам мардона энгиб ўтган бу инсон бугун ҳам бир ерда ўтиролмади. Аравадада бўлса-да, маҳаллани, фарзандлари меҳнат қиляётган далаларини айлиниб келади. Уларга ўз тажрибаларини ўргатади, йўл-йўриқ кўрсатади.

Ниғора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири,
Тошкент вилояти.

Савобга йўғрилган умр

Бекободга йўлимиз тушганида савракликларни сўраб-суриштирдик. "Ҳеч тиниб-тинчимайдиган одамлар яшайди у ерда. Чорвачиликда ҳам, деҳқончиликда ҳам катта тажрибага эга" деган таърифни эшитдик. Яна бир қувончи жиҳати, маҳалла аҳлининг ўз меҳнати ортидан йил сайин боиб бораётгани ҳам шундоқ сезилиб турибди. Замоनावий услубда, пишқ гштдан қурилган уй-жойлар, машиий хизмат кўрсатиш шохбчалари, равон ва обод кўчалар... Буларнинг ҳаммасини кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик намуналари, десак янглишмаймиз.

Пардабой отанинг уйи маҳалланинг чеккасида яъни Тўртовудда жойлашган экан. Дарвоза олдида уч-тўртта енгил машиналар қатор турарди. Ҳамроҳларимиздан "Бирон тадбир бўлаётганга ўхшайди-ку" деб сўрасак, улар Пардабой аканинг оила аъзолари томонидан ташкил этилган «Маматқул ота» фермер хўжалиги туманда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажарганлиги муносабати билан кичикроқ йиғин ўтказилаётганини айтишди. Отаҳоннинг ҳам қувончи чексиз экан. У киши фахрлиниб:

— Фарзандларим аввало эл-улуснинг,



қаранг, йўқ нарсанинг ўзи йўқ, ҳаммаси муҳайё.

Шу йил сентябрда кичкина неварам биринчи синфга борди. Дарсдан келасолиб "Буважон, суюнчи беринг, менга Президентимиз ҳамма ўқув куруллари жамланган сумка совға қилибдилар" деб шунақа боши осмонга етдики, асти кўяверинг. Шунинг учун маҳалламизнинг каттаю кичигига, болаларимга "Юртбошимиз ҳамда ҳукумати-миз томонидан бизларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ва эҳтиромга муносиб тарзда меҳнат қилайлик, ишонччи оқлайлик" деб қайта-қайта айтаман.

Сухбатдошимизнинг таъкидлашича, ўғли Икромжон 2004

Сангликлар ибрати

Пахта йиғим-терими авжи палласига чиққан кунлар эди. Погга ўтиб бораётган обрўлорқ раҳбарлардан бири йўл-йўлакка Санг томонга бурилди. Санг — водийнинг кўхна, гавжум қишлоқларидан бири. Ўзининг омилкор деҳқонлари, олиму санъаткорлари билан машҳур гўша.

Меҳмон қишлоқ марказини оралаб ўтди. Катта йўлнинг ёқасида Президентимиз қарори асосида қатор, бир-биридан қиройил уй-жойлар қад ростлабди. Ошхона, чойхона, супермаркет... Бир қарашда шаҳарми бу ё қишлоқ, ажратиб олиш қийин. Ана, маҳаллага қайрилишдаги чойхонада бир гуруҳ нуруний отаҳонлар кўр тўкиб чакчақлашиб ўтиришди.

— Шу ерда бир зум тўхтайлук, — деди раҳбар хайдовчисига ва секин машинадан тушиб, отаҳонларнинг ёнига борди. Сўридагилар ҳам меҳмонни ўринларидан туриб қарши олишди. Тўрга тақлиф этиб, бир пиёла қайноқ чой туттишди.

— Бу... қишлоқларингиз жуда ўзгариб кетибди-ку, — деди саволомуз оҳангда.

— Нимасини айтасиз, — деди тўрда

ўтирган саксон ёшлар чамасидаги, юзларидан нур томчилаб турган отаҳон. — Ҳаммаси мустақиллигимизнинг шарофатидан-да! Юртбошимизга минг раҳмат!

Ниҳоят у киши ўзини таништирди. Келиши боисини ҳам яшириб ўтирмади. Бутун ҳар бир фурсат ғанимат. Далада ҳосил тўлиб-тошиб ётибди. Егин-сочинли кунлар бошланмасдан йиғиштириб олиш зарур. Бунинг учун одамларни ҳашарага чорлаш керак.

— Сизларни пахта теринглар демайман, — деди у киши хижолат тортганча. — Уйда бўш ўтирганларни, келин-чекларингизни чиқариб юборсангиз... ўзларингиз ҳам ҳар-ҳар замонда "ҳормангларов" деб пахтазорни оралаб ўтсангиз... шунинг ўзи кифоя. Тез орада режаларимиз бажарилиб, юзимиз ёруғ бўлади.

— Ҳе, ҳали куч-куватдан қолган жойимиз йўқ, — деди етмиш ёшлардаги киши. — Керак бўлса ўзимиз ҳам тера-

миз. Ахир "ха" деган туяга мадад дейдилар-ку!

Эртасига ўша сўрида ўтирган отаҳонлар — 85 ёшли Ра-йимжон ота Эшматов, Давлатали Акбаров, Юсуфжон Йўлдошев, Мамашукур Исмадияров, Қамбарали Тошбоев, Бозорбой Тўхтаниёзов, Мамажон Эшматовлар далага отланишди. Бир кун ўтмасданок 70-80 ёшли отаҳонларнинг пахта даласига чиққанлиги ҳақидаги хабар бутун Сангга овоза бўлди.

— Шундай отаҳонлар "ҳорманг" деб туришса-ю, бизлар қараб турсак ярашармикан, — деди нафақадаги муаллим Турсунали Раҳмонов укаси Абдужабборга. — Қани ўртоқларинг Умаржон билан Орифжонга ҳам айт, кетдик далага!

— Нима, бизни кексалардан кам еримиз борми, — деди дугоналари Соляхон Тошбоева билан Раҳимахон Ниёзовага Хадичахон она Ганиева. — Териб

юрган пахтамиз-да! Қани, юрақолинглар...

Шундай қилиб, бутун қишлоқ "уйғонди". Ўн икки маҳалланинг ҳар биридан гуррос-гуррос одамлар фермер хўжаликларига чиқиб, баҳоли қудрат пахта тера бошлашди. Улар ўз жамоаларини "Ма-

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

дадкор куч" деб аташди. Ортиқали Йўлдошев билан Иминжон Абдурахимов бошлиқ қишлоқ фаоллари, тадбиркорлар ҳам қараб туришмади. Ким қозон қайнатган, ким дала бошида қўй сўйган... байрам бўлиб кетди...

— Ҳашар — элга ярашар, деб бежиз айтилмаган, — дейди Поп туманидаги М.Тошматов номли фуқаролар йиғини раиси Зулфияхон Юнусова. — Республикаамизнинг юксак хирмонида қишлоғимиз отаҳон-онаҳонларидан иборат "Мададкор куч" ларнинг юз тонналик ҳиссаси борлигидан фахрланамиз!

Али ЗИЁД,
Наманган вилояти.

Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама Реклама
«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ

- қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:
- Тўқувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
 - Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
 - Аёллар қосқом-шиши, плаш-пальто — 1-2 ой.
 - Ҳамшира — 6 ой, 4 бийи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
 - Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
 - Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
 - Торт ва пишириклар — 2 ой.
 - Пишириклар олий курси — 1 ой.
 - Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
 - Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
 - Тўй ва оқшом турмаклари ва мажия — 1 ой.
 - Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
 - Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
 - Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
 - Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
 - Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).

Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой.
Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан
Етоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томони ораксиди.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ
Манзил: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, Кўйлик, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Кўйлик кийим бозори рўпарасида.
Тел: (8371) 295-97-82 +99897 785-90-30 (кундузи)

Тили билан дили бир одам

Бекобод азалдан ўзининг лафзи ҳалол соҳибқору миришкор деҳқонлари билан доврўғ таратган. Бу ҳудуднинг инжиқ табияти, аёвсиз шамолига бардош бериш ҳам осон эмас. Лекин бугўшада шундай инсонлар борки, улар керак бўлса, оддий тупроқдан зар ундирлади.

"Хос" фермерлар уюшмасига қарашли фермер хўжалиги раҳбари Қахрамон Рустамов ҳақида қайси бир даврада сўз очилса, "Бекободнинг тили билан дили бир фарзанд, даладан тилло топган у" деб ҳазиллашиб қўйишди. Асли шу гапларда жон бор. Ўз номига муносиб ишлар-



гектар майдонда деҳқончилик қилиб, жами 60 тонна ҳосил топшириб, зиммаларидаги шартномавий режаларини ошириб, яъни юз эллик фоизга адо этишгани учун туман ҳокимлиги томонидан махсус мукофот билан тақдирланди (суратда).

— Жилғалар қўшилиб, дарё бўлади, деганларидек, бизнинг арзимасгина терган ҳосилимиз вилояти-нинг улкан хирмонида қўшилиб, ҳиссамиз эканлигидан хурсандмиз, — дейди Қахрамон Рустамов мамнулик билан.

Турдикул НОРМАТОВ,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Илк учрашув

Бўлажак қайнонамни илк бора Тошкент вилоятидаги бир дам олиш уйида кўрганман. Молия институтининг иккинчи курсида сиртдан ўқир, ўша сафар имтихонларни топшириш учун келган эдим. Дилбар опам бемалол тайёргарлик кўришим учун дам олиш уйига йўлланма олиб бериб, Андижондан кузатиб кўйди... Йўқ, гапни сал олдиндан бошлашим керак экан.

Молия институтининг биринчи курсини кундузги бўлимда тамомлағач, операция бўлганим учун бир йил ўқишдан қолиб кетдим. Қарангки, ўша вақтда Фуломжон акани биринчи марта кўрдим, муносабатимиз саломалиқдан нарига ўтмади. Ҳаётим шу озгин, деярли менга тенгдош, келишган йигит билан боғланиши ҳаёлимга ҳам келмаганда. Иккинчи учрашувимиз Кримда бўлди. Тақдир тагин бизни бир санаторийга олиб борганди. Мен Дилбар опам билан бирга эдим. Ватандан ташқарида ҳамюртлар кўзингга оловдай кўринар, муомала-муносабатларинг тезда илқлашиб кетар экан.

Ўқишимни сиртқига ўтказиб, Андижонга кетганимдан кейин хат орқали хабарлашиб турдик. Бир куни хатим оналарининг кўлига тушиб қолибди. У киши катта ўғлиниқча олиб бериб ўқитибди. Қобулжон ака: "Ақли қизга ўхшайпти, опа. Андижонлик экан. Тушунмади, Фуломжоннинг кўнгли бор", дебди. "Андижонда бутунлай бошқа урф-одат, қандай бўлар экан?" дебдилар оналари. Кейинчалик ўзларининг айтишича, "Андижонликни олиб бераман дейман-у, гўшангага тошкентлик қизни киргизвораман. Фуломжон ориятчан, кўникиб кетади", деб ўйлаган эканлар. Бундай қизни топиб ҳам кўйишибди...

Кунлар ўтиб, Тошкентга ёзги имтихонларни топширишга келдим. Ҳикоямнинг бошида айтганимдек, дам олиш уйига жойлашдим. Фуломжон ака ҳар куни ишдан кейин кўргани келарди. Чилонзор ва Чирчиқ ораси анча узоклигини кейинчалик билганман. У киши уйларига ярим кечаси етиб борар экан. Албатта, кечкишлар сабабини тушутиришга тўғри келган. Шунда оналари у кишига билдирмай, мени бир кўриб келмоқчи бўлибди. Қобулжон акани кўндириб, катта келини Фарида опа, қизи Зулфия опа ва мени танийдиган Ҳабиба опам (дадамнинг дўстининг қизи)ни олиб йўлга чиқишибди.

Ўша куни оdatдагидай азондан туриб, дарсимни тайёрлаётган эдим, хонага Ҳабиба опам кириб келди ва осмондан тушгандек, "Нима қилиб ўтирибсан, тез тур, қайнонам келди", деб қўлимдан ушлаб коридорга олиб чиқса бўладими. Ҳазиллашайпти десам, диванда уч аёл ўтирибди. Фуломжон акага ўхшагани боис оналарини дарров танидим, кутилмаган ташрифдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Салом бердим-у, деворга қўлларимни орқага қилиб суяниб қолдим. Шунда у киши олдимга келиб, мени кучоқлаб, икки юзимдан ўпиб: "Жуда чиройли экан, бўйлари баланд, нима кийса ярашади, сочлари узун", деб ҳамроҳлари билан таништириб кетди. Жуда яқин тутганлариданми, синашга танишлардек анча гаплашиб ўтирдик. Кузатаётганимда: "Жуда узок экан-а, шунинг учун болам уйга кеч борар экан-да", деди...

Эртасига Фуломжон ака: "Опам сизни маҳалладагиларга

мақтаб чиқибди. Одатлари шу: бир нарсадан хурсанд ёки хафа бўлсалар, ҳамманикига айланб чиқади. Агар бирор сирли гап бўлса, барчага бирма-бир айтиб, лекин ҳеч кимга айтманг, дер эканлар. Қарабсизки, кечқурун бутун маҳалла ҳалиги сирдан хабардор бўлади", дедилар...

лар. Аввал жуда тўкин ҳаётда яшагани, 1920-йиллардаги талотўплардан кейин оила бошига қора кунлар тушгани... Тўққиз болани катта қилиш осон бўлмаган. Уларнинг тарбиясига жуда қаттиқ турганлар. Аммо ўқишга унчалик аҳамият бермас эканлар. Эримнинг институтда,

Қайнонам менинг, фариштам менинг...

Йиллар ўтди, қизларимни узатдим, ўғлимни уйлантирдим. Энди келинлик пайтимни эсласам, ўзига яраша хатолар ҳам қилган эканман. Лекин ҳеч ким — на қайнонам, на овсинларим юзимга солмаган. Аксинча, қўлдан келганча кўмаклашганлар. Улардан жуда миннатдорман. Чунки ҳаётда ҳар хил тақдирларга дуч келдим, қанчадан-қанча қайнона-келин моҳароларини эшитдим. Мана, ўзим ҳам қайнона бўлгач, ойижонимнинг қадрини янада теранроқ ҳис қилиб, ташаккурим рамзи сифатида қўлимга қалам олдим.

Шундан кейин қанча воқеалар бўлиб ўтди: совчилик, фотиҳа, тўй...

Янги ҳаёт

Тўйдан кейин барча келинлар учун янги ҳаёт бошланади. Бу ҳаётнинг қандай бўлиши қайнона, овсин ва оиланинг бошқа аъзоларига боғлиқ. Айниқса, мендек бошқа шахар, ўзга урф-одатлар муҳитидан келган келин бўлса. Бир ховлида ўн беш жон яшардик. Қайнотамнинг оналарини катта ойи деб аташарди. Жуда ажойиб эди. Эрталаб деразамга банкада сут қўйиб: "Туришинг билан ич, болам. Икки юзинг қизил бўлади", дердилар. Битта товуклари бор эди, тухумини йиғиб, менга олиб кириб берарди: "Ўзинг егин, семирсан!" деб кўярди. Балки, нозик бўлганим учун шунақа қилгандир. Хўжайинга эса: "Хотинингга тухум бердим, пулини чўз", дея хазиллашарди.

Кейинчалик ҳамма ховлига қуриб, алоҳида рўзгор қилди. Бир куни ишдан чиқиб, тўғри қайнона-қайнотамнинг хузурига бориш керак бўлиб қолди. Ўшанда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Кибернетика институтига илмий ходим бўлиб ишлар, замонага қараб кийинар эдим. Лекин маҳаллага борганимизда катталарнинг хурмати деб аъналаримиздан келиб чиқардим. Аммо ўша куни бунинг уддасидан чиқолмадим. Ойимлар билан кўришганимда, қўлимни аста силаб:

— Бундай юрмас эдингиз-ку, кизим... — дедилар.

— Уйга кириб, кийим алмаштиришга улгурмадим, — дедим.

Сўхбатимизни қайнотам эшитиб турган эканлар, дарров ёнимни олди:

— Ўқимагансан-да! Феруза олима бўлса, академияда ишласа. Эл қатори кийинади-да...

Ойим Тошкентнинг таниқли кишиларидан бири Нурбек бой оиласида тутилган. Бизга келинлик давридан сўзлаб берарди-

кейинчалик аспирантурада ўқиши ҳам ойимларга ёқмасди. Бир куни:

— Фулом, ҳалиям китобингни ўқиб юрибсанми? Болаларимнинг орасида битта сен аҳмоқ бўлдинг-да. Уртоғингга қара, машина олибди, ховли солар эмиш.

— Ким бўлиб ишлар экан?

— Текстиль комбинатида чиқиндиларни таширкан. Лахтақлардан фойда кўрар экан.

— Опажон, мен катта ишларда ишламоқчиман. Худо хоҳласа, олим бўламан, академик бўламан. Мана, кўрасиз: ҳали мени хизмат машинаси олиб юради, шахсий машина ҳам бўлади.

— Олдин бўлсин, кейин айтасан! — деб кўйган эдилар ўшанда.

Ҳақиқатан ҳам, Фуломжон ака техника фанлари номзода, доктори бўлиб, Халқаро муҳандислар академияси аъзолигига сайланиб, баланд мартабаларга эришдилар. Ойимлар бундай муваффақиятлардан жуда мамнун бўлиб: "Болаларим орасида энг ақлиси сенсан. Ўқиса, охиригача ўқиш керак экан!" дердилар. Кейинчалик ўқишга алоҳида аҳамият берадиган бўлганлар. Фарзандларининг кўпчилиги олий маълумотли, кенжа қизлари ва бир неваралари техника фанлар доктори, профессор бўлиб етишди.

"Кимки келинини ёмонласа..."

Қайнонам жуда донишманд эди. Ҳеч қачон қизлари ва келинларига яхши-ёмон гапларни етказмас, ҳаммамизнинг орамизда муроса маданиятини тиклашга ҳаракат қиларди. Масалан, бизникида меҳмондорчилик бўлиши керак. Ойим биринчи менга кўнгирик қилиб, кўп уринмаслигини, фақат суюқ овқат қилиб, дастурхонни безатишимни айтарди. Кейин бери кизига тандир сомса буюрар,

иккинчисига ҳасип, учинчисига торт ва ҳоказо. Бошқа хонадонда йигин бўлса ҳам, худди шундай қиларди. "Ҳикмат ҳам, барака ҳам ахилликда!" дея кўп таъкидлардилар.

Бир уй хотин меҳмондорчиликда ўтирибмиз. Қайнонамга ниманидир тушунтириб ётибман-у, лекин уларнинг қулоғи бурқакда ўтирган икки хотиннинг сўхбатида. Гап тамом бўлиши билан ойимлар ҳаммамнинг диққатини жалб этиб:

— Хотинлар, кимки келинини ёмонласа, ўзи ёмон. Айтдим-қўйдим-да...

Ўртага шу масала қўйилди. Ҳамма ўз фикрини билдирди. Шунда ойим тушунтирди:

— Кимдир қизини катта қилиб, ўқитиб, тарбиялаб, юрагидан узиб, бир уй моли билан берса-да, сен уларни ёмонлаб ўтирсанг. Келин ҳали ёш, ўзинг истагандек тарбия бер. Қайнона уквусиз бўлса, келинда нима айб?

Қайнонам ўғилларининг ҳам оилавий ҳаётига аралашмасдилар. Фақат керакли пайтда мас-

киришим билан:

— Рангим сарғайиб қолибдими? — дея сўрадилар.

— Тагин нима қилиб кўйдингиз? — дедим.

Айтишларича, бир одам келиб, "Мени қамашлари мумкин, кейин бола-чакам нима қилади?! Пул бериб турсангиз тинчитиворардим, кейин топганимда қайтариб бераман", деса, қайнотам "қаричилигимизга" деб олиб қўйган пулни бериб юборибдилар.

— Кимлигини, тураржойини биласизми?

— Биаламан, шлагбаумда турар экан.

— Ахир, шлагбаум нималигини биласизми?

— Кўчасининг номидир-да, — дедилар соддадиллик билан.

Хуллас, ўша одам пулни қайтармади. Кейинчалик эшитсак, аввалига бизнесда иши анча юришиб ҳам кетибди. Лекин бировнинг ҳақи ҳеч кимга юқмаган. Охири қамокда нобуд бўлибди...

Исмлари

Ҳусния эди!

Ойимнинг мазаси қочса, негадир "Ферузани чақиринглар", дерди. Бир куни ишда эдим, Фуломжон ака кўнгирик қилиб, тезда Мевазор маҳалласига етиб боришимни тайинлади... Дарвоза олдида "Тез ёрдам" машинасини кўриб, шошилиб ховлига кирдим. Айвонда шифокор, ҳамшира, овсинлар ва Фуломжон ака ўтиришибди.

— Тинчликми, нима бўлди?

— Опамнинг олдларига киргин, укол қилдирамизтайптилар...

Шифокорнинг айтишича, ахволлари оғирлашибди, мени кутишгаётган экан.

— Ассалому алайкум, ойижон. Бу қандай кўзғалон? — дедим.

— Келинг, болам. Шифокорлар сизга кулоқ солишади, ростини айтишади. Сўранг-чи, бугун ўламанми-йўқми?

— Ойи, шифокорлар худо эмас-ку! Нега укол қилдираямиз-сиз?

— Ҳамма гап шунда. Агар ўладиган бўлсан, нимага укол қилиши керак? Биласиз-ку, томирларим ёмон, нукул қўлимни кўкартириб қўйишади. Агар ўлиб қолсам, кўпнинг ўртасига тушсам — ҳамма ёғим кўкарди ётса, яхшим? Опоқ пахтадай ётай дейман-да, болам!

Шу гапдан кейин кўзимга ёш келди. Улар учун чирой, латофат, умр зийнати шунчалик катта аҳамиятга эга эди. Келинлари, қизлари яхши кийиниб, чиройли бўлиб юрса, чексиз қувонардилар. Исмлари ҳам Хусния эди-да!



Феруза ЗОКИРОВА, «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамоат жағғармаси лойиҳа раҳбари, иқтисод фанлари номзода.


Жийданинг фойдаси...

ТАБИАТ — ДОРИХОНА

АЖАБ ОЛАМ

Дала-боғларда, шахсий томорқалар четида, албатта, кампада бир тул, бўлмаса, 2-3 тупдан жийда экса, қони фойда бўлади. Жийда шифобахшлигидан ташқари шўрхок ерлар тузиди бартараф этиб, ҳосилдорликни ошириши фанда исботланган.

Дарвоқе, таниқли олим Абдукарим Усмоноҳўжаевнинг ёзишича, кўзимизга оддий неъмат бўлиб кўринган жийда таркибида инсон саломатлиги учун энг зарур бўлган 55-65% қанд, 11-12% оқсил, фиолоталар, шунингдек, калий, мия феолятинни яхшиловчи фосфорли тузлар, асаб ва иштаҳани очувчи, бўшаш ва бош оғриғини, кўз тинишини тикловчи В, ва В₂, инфаркт ва инсультнинг олдини оловчи, қон томирлари деворларининг ёрилиб кети-



шига йўл қўймай, аксинча, мустаҳкамловчи РР витамини ва, ниҳоят, эркаклик қувватини оширувчи Е витамини мавжуд. Унинг ҳаммамиз ҳам билавермаймиз.

Ҳазрат Абу Али ибн Сино жийда

меваси ва унинг дамламаси билан ўнлаб касалликларни, ич кетиш, нафас йўллари шомоллаши, ошқозонички касалликларни даволашда самарали фойдалангани маълум.

Ҳозирги замон тиббиётида жийданинг камқон, бўйи ўсмаган болага фойда бериши, туз-сув муносиблигини сақлаш, кичкинтойларнинг фикрлаш қобилиятини ўстиришда қимматбаҳо қимёвий дорилар ўрнини босиши исботланган.

Данаги олиб ташлаб туйилган жийдани бугдой унга 10% миқдорда қўшиб, ширин кулча ва нон пиширилса, қони фойдалиги ҳусусида тадқиқотлар олиб борилган.

Турсунҳўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

КУЗГУ

Тортиш кучи

Айтишларича, яхши ният ярим давлат эмиш. Бир талаба йигит буни бошқарчак талқин қилди. У айтдики, Ньютон тирик бўлганида аллақачон одамнинг тортиш кучи қонунини кашф этган бўларди.

Бу талабанинг шахсий фикри ми ё бошқа бировдан эшитганими, билмайман. Аммо унинг сўзларида мантиқ кўрдим. Негаки, ҳақиқатан ҳам, одамда тортиш кучи бор. Буни кўп марта кузатганман ва инсоннинг яхши нияти яхшилик чақирганини, ёмон нияти ёмонлик чақирганини ўз кўзим билан кўрганман.

Бу, эҳтимол, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фариштанг омин дейишидир. Бу, эҳтимол, одамнинг тортиш кучидир. Аммо ҳар иккиси ҳам бир нарса.

Хулоса эса шундай: ниятнинг бутуни яхши!

Лола УРОҚОВА

КИЛМИШ-КИДИРМИШ

Охири вой бўлди...

Бугун ҳаётимизни телефонсиз тасавур қила олмаيمиз. Симли шаҳар телефонлари ёки уяли алоқа воситалари энг чекка қишлоқларимизга қариб борган, десак муволажа эмас. Телефонлар билан боғлиқ жиноятчиликлар ҳам кўпайиб бораётгани, айни пайтда, бундай техника ютуқлари ҳуқуқ-тартибот соҳасида жиноий ишларнинг очилишига ҳам кўмак бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

...Шу йили Бекобод шаҳрида яшовчи 18-20 ёшлардаги уч йигит кўп қаватли уйларга келадиган телефон симларини кетма-кет уч-тўрт мартаба ўғирлаб, рангли металл савдоси билан ноконуний шуғулланувчи шахсларга сотиб юборган. Жиноятда бевоқифа иштирок этган ва шерик бўлган Одил Курбонов ва Сардор Азимов 3 йил, Уктам Ғуломов эса 2 йил озодликдан маҳрум қилинди. Сотиб олувчи Шахло Жўраева ҳам жавобгарликка тортилиб, ундан Бекобод телекоммуникация боғламаси корхонаси фойдасига 2 миллион сўм миқдорда жарима ундириш қарори белгиланди.

...20 йил 20 сентябрь куни фуқаро Фаррух Маматов Бекобод шаҳар ИИБ


бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилган. Аризада ёзилишича, Тошпўлат Эркинов ва Шамсиддин Қозоқов 2010 йили 17 сентябрь куни кеч соат 22:30ларда Зафар кўрғончасидан Бекобод шаҳрига олиб бориб қўйишни илтимос қилишган. Манзилга етиб боришгач, пуллари йўқлигини айтган ва ҳайдовчининг томоғига тиг тираб кўрқитиш йўли билан унга тегишли 40 минг сўм пул ва 200 минглик "Nokia-1680" русумли телефон аппаратини босқинчилик йўли билан олиб қўйишган. Улар шу кунийёқ қўлга олинди жиний иш кўзгатилади. Тошпўлат Эркинов 7 йил 6 ой, Шамсиддин Қозоқов эса 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳалқ мулкани талон-торож қилган ёки ўзгалар молига кўз олайтирган кишининг холи охири вой бўлиши шубҳасиз. Бу мақоламизда зикр этилган икки воқеада ҳам ўз исботини топган.

Азамат ШОМУРОДОВ, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Бекобод шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи.

Мих устида «ўйин»

Москвалик Григорий Горгеладзе йог билан шуғулланди. У Сокольников боғидаги майдонда тахтачага қоқилиб, учи тепага қаратиб қўйилган михлар устида роппа-роса икки соат беш дақиқа мобайнида ялангоёқ туриб, ҳаммани ҳайратда қолдирди. Йиғилган томошабинлар бу "телба"нинг занглаган михлар устида турган оёқлари тобора кўкариб бораётганини кўриб, бир ҳайратланса, бир раҳми келарди.



Бу борада рекордни янгилаш учун 10 дақиқадан кўпроқ турса кифоя эди. Аммо икки соатдан ортиқ натижани ҳеч ким қутяганди. Жараёни суратга олишга киришган томошага ўч одамларнинг уяли телефонларида қувват тугаса тугадик, Григорийнинг сабри тугамас эди. Ҳатто кузатувчининг секундомер туган қўллари совуқдан қалтирарди. Григорий эса тоқат билан ўз ҳолатида турарди. Фақат у юзини махсус оппоқ никоб билан ёпиб олганди. Эҳтимол, юзидаги оғриқдан ҳосил бўлган ўзгаришларни бекитгандир. Гришадан интервьо олиш учун телекамера кўтариб келган журналистлар ҳам совуқдан жўнрашиб, бу томошанинг якунигача чидалмай кетиб қолишди. Йог устаси эса ҳатто курткасини ечиб, битта майкада жим турарди. Мана, сизга ирода!

Шу тариқа Григорий ўз номини Гиннеснинг рекордлар китобига мих устида туриб "михлаб" қўйди.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

"Рустам отамнинг ўртоғининг ўғли эди. Онам қарши бўлса-да, отам «Хуршида шу йигитга турмушга чиқди!» деб туриб олди. Онамга Рустамнинг онаси ҳам, ўзи ҳам ёқмас эди. Рустам ишонамга қатнайвериб, холи-жонимга қўймасди. Отам розилигимни сўраб ўтирмай, тўйни бошлаб юборди. Тўйда онамнинг қовоғи очилмади. Бўлғуси қайнонам кесатик гаплари билан онамни, холаларимни сийлаб турди. Дастлаб Рустамнинг онаси билан аммаси совчиликка келганида онам дастурхонларини ҳам очмай, «Ўғлингизга қизимни бермайман», деб қайтариб жўнатганди. Аёл қудаларнинг арази неваралари тугилгач, барҳам топди. Борди-келдилар таниган-билганлар хавас қилгудай изга тушди. Бахтли яшай бошладик. Ўша кун дарвозахонамизда отамнинг балеанд овозда гапираётганини эшитиб чопиб чиқдим. Отамнинг авзойи бузук, қўллари титраб ниманидир қайнотамга тушутирарди. Шу жойда отам қайнотамнинг ёқасидан олиб ттариб юборди. Менга эса «Болангни олиб, олдимга туш! Бунақа пасткашлар бизнинг тенгимиз эмас!» деса бўладими?! Қайнотам ҳам алам билан «Ўғлимга онаси ўлмаган қизни олиб бераман!» деди. Чинқириб йиғлаётган ўғлимни кўтариб отамга эргашдим. Эшитишимча, улар ўзаро шартлашиб қайнотам ютқазиб қўйибди, аммо отамни фирромликда айблабди. Аризамдан шу шартлашув жанжалга айланиб, таёк мен ва боламнинг бошида синди. Ажрашиб кетдик. Рустам уйланди. Ҳозир ўғлим 5 ёшда. Ўзимнинг



ёшим 35 да. Маълумотим ўртамахсус. Ёшимга мос, иши тайин, уй-жойли, диёнатли инсон учраса, турмушга чиқмоқчиман.
ХУРШИДА, Сирдарё вилояти.

бўйли, хушсуврат эркак. 35 ёшгача бўлган, соғлом, уйим-жойим дейдиган меҳрибон аёл учраса, ўғлимни уйлантирмоқчиман.
ХОЛБУВИ хола, Хоразм вилояти.

жойим етарли. Нафақада бўлсам-да, ишлайман. **Ёшим 61 да.** Уйим-жойим дейдиган, кадримга етадиган аёл учраса, хабар берсангиз.
ХОЛМУРОД, Фарғона вилояти.

"Она учун фарзанднинг оиласини тўхис қўриб, хотиржам яшашдан ортиқроқ бахт бўлмас экан. Кенжа ўғлим Алини уйлаб, туналари кўзимдан уйку учиб кетди. У Тошкентга ишлагани бориб, катта шаҳарда қолиб кетди. Ёши каттароқ бир қизни яхши қўриб, норозилигимизга қарамай унга уйланиб олди. Тўйни Хоразмда ўтказиш ҳам насиб этмади. Ҳа майли, ўзидан тинсин, дея совгаларимизни кўтариб бордик. Бахтли яшаётганини телефон орқали эшитиб суюнардим. Афсус, келинимиз фарзанд кўролмади экан. Ота-онаси буни билса-да, тўйдан олдин айтмабди. Дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди. Отаси иккимиз Алига хотинингдан ажрашиб, қайта уйлан, деб маслаҳат бердик. Юраги тўлиб турган экан, бор дардини тўкиб солди. Хотинининг ота-онаси ўғлимнинг уйига кўчиб ўтибди. Алига хизматкордай муомала қилиб, асабига тегар экан. У касалхонада ётиб даволаниб чиқибди. Хотини ҳам ҳолидан хабар олмабди. Ўғлим қонуний ажрашди ва қайта уйланишга қарор қилди. **Ёши 39 да,** маълумоти ўртамахсус. Иши тайин. Балеанд

"Марям билан ота-оналар раъйига кўра турмуш қургандик. Пешонамизга фарзанд қўриш бахти ёзилмаган экан. Яқинларим хотиним билан ажрашиб қайта уйлансам, бола-чақали бўлишимни таъкидлашарди. Тўғри, дўхтирларнинг текширув натижаларига кўра, Марям фарзанд кўра олмас эди. Ўзи ҳам бир неча марта тугунини тугиб: «Ажрашайлик, мени деб зурриёдсиз ўтманг!» дея ота-онасини уйига кетиб қолган ҳам. Аммо хотиним ниҳоятда меҳрибон, оқ қўнғил аёл эди. Битта қиз асраб олди. Уни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдик. Қизимиз институтда ҳам ўқиди. Орзу-хавас билан узатдик. Ҳозир икки набирамиз бор. Марямнинг бевфарзандлик доғида ичдан куйинишлари беиз кетмади, бедаво дардга чалинди. Кўрсатмаган дўхтиру табиимиз қолмади. Раҳматли жони азобда бўла туриб, нукул мени уйланди: «Кўевимиз нобопроқ, қаттиққўл чиқди. Сизга қайишармикан?!», деб ух тортарди... Қизимнинг тинчини уйлаб, ялиниб-ёлвориларига қарамай, уларниқига кўчиб бормадим. Ёлғиз яшайман. Уй-

"Онам менга ҳаёт берган-у, ўзи дунёни тарк этган экан. Кейинчалик холаларимдан эшитишимча, ўшанда уйламай гапирадиганлар мени хосиятсиз гўдак, онасининг бошини еди деса, худосдан кўрқанлар она меҳрига зор қирқ томири доғли ўсадида, дейишди. Онамнинг йили ўтгач, отам қайта уйланган. Эсимни таниганимдан то вояга етуғунимга қадар онам ўғайлигини билдирмаган. Икки уй нари яшайдиган қўшнимизнинг қизи ўрик шохидан йиқилиб қўли синганида унинг онаси алаимдан захрини сочмаса, буни билмас эканман. «Сени ўғай онам ўғайлик қилмай талтайтириб юборган. Қизимнинг эмас, сенинг

қўлинг синиши керак эди», деб мени ва икки дугонамни қўйиб солди. Уйга келиб, сиз ўғай эмассиз, дея онамнинг холи жонига қўймай сўроққа тутиб йиғлаганман. Эртаси кун тонгда она-бола қабристонга бордик. "Мана шу қабр онамники, зиёрат қилгани келиб тураман. Ҳар сафар тинч ётиб, қизингизни ўқситмайман, деб сўз бераман, бир кун сени бошлаб келишимни билардим. Қабристондан қайтаётганимизда ўғай онамга «Дунёдаги энг яхши аёлсиз!» деб ўқсиб-ўқсиб йиғладим. Улар ҳам менга қўшилиб, кўзёши юзини юварди. Йиллар ўтди. Севган йигитимга турмушга чиқдим. Бахтли эдим, ўғилли ҳам бўлдим. Қисматимда бор экан, эрим автохалокатга учраб, бевақт қазо қилди. Нуридийдамни бағримга босиб, хун-хун йиғлаб қолавердим. Яна, ўғай онам жонимга ора кирди. Тўрт йил ўтгач, онамнинг маслаҳати билан «Оила ва жамият» газетасига хат ёздим. Менга бевфарзандлик туфайли хотинидан ажрашган Ислоннинг телефон рақамини беришди. У билан оила қурдик. Ҳозир бахтли яшяпмиз. Сизлардан бир умр миннатдорман.

САЛИМА, Бухоро вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Фарзанд парваришига оид тадқиқотлар олиб борган профессор-олимлардан бири: «Бола тарбиясида саксизта босқич бор. Чақалоқ туғилиб, «инга» дейиши биланок ана шу саксиз босқичнинг бештасидан ўтилган бўлади» деб ёзган экан... Ҳўш, бой берилган имкониятлар нималардан иборат экан, деган саволга жавоб излайлик-чи?

Тасаввур қилинг, битта дарахт ўсиб, ҳосилга киргунича қанча парвариш, қаров, эътибор зарур бўлади. Уни «мизожи»га қараб «тарбия» қиласиз: сувсиз

оилада вояга етаётган ўғил ёки қизлар тарбиясига биринчи навбатда камбағаллик ёмон таъсир кўрсатар экан. Яъни ота-онанинг ишқамас, дангаса ва танбал ҳолатида бола етарли миқдорда ейиш-ичиши, кийиниши чекланган бўлади. Бу эса унинг ноиложлик туфайли кўчага чиқиб кетиши билан бирга қандай бўлмасин, пул топишга ҳаракат қилиши учун сабаб бўлиши мумкин. Оқибатда, у тиркичилик илинжида тарбияси ёмон болаларга қўшилиб кетишдан ташқари ўғрилик ва бошқа жиноятларга қўл уриш эҳтимоли ҳам пайдо бўла-

ТАРБИЯ САБОҚЛАРИ

ларида эр-хотиннинг ажрашиши оддий воқеага айланган. Ҳолбуки, чуқурроқ таҳлил қилинадиган бўлса, ажрашиш дахшатли мусибатдир. Ота-онаси ажралган бола бу қутилмаган ҳолатдан тушқунликка тушиши билан бирга, жуда асабий бўлиб ўсади. Энг ёмони, бу кўргулик ҳам йўқчиликка, ҳам икки тарафлама жанжалларга, ҳақ талашишларга сабаб бўлиши мумкин. Унутмайлик, фарзанд дунёга келганидан кейин, меҳрибон ва оқила она, доно ва тadbирли бир ота бўлмаса, тарбия билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракат йўққа чиқиши мумкин.

Яна бир жиддий муаммо шуки, эридан ажраган аёл бошқа эрга тегиши ва болалар эътиборсиз қолиши мумкин. Она ўз нури дийдасини кўнгилдагидек боқолмаслиги натижасида жиддий муаммолар юзга келиши табиий ҳолдир. Собиқ эри (агар ҳаёт бўлса) бериб турган маблағ кам бўлиб, оддийгина кун ўтказиши учун ҳам етмас, янада мушкул. Бундай ўсмир муҳтож ва етим деган тамга остида кўча ёки мактабдаги дўстлари тарафидан камситилиши мумкин.

Мавриди келганда айтиш мумкинки, миллий телеканалларимизда тинимсиз намоиш этилаётган айрим хорижий сериалларда бевосита ўзбек халқининг ҳаёти, турмуш тарзи ҳамда азалий анъана, урф-одатларига бутунлай тескари бўлган «демократия» тарғиб этилаётгани афсусланарлидир. Баъзи бир фильмларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил этсангиз, гўё эр-хотиннинг ажрашиши оғир кулфат эмас, оддий воқеадек таассурот қолдиради сизда. Тўғри, корей ёки япон сериалларида ўзига хос тарбия усули, миллий колоритлар сақланган ва улар бизнинг шарқона руҳиятимизга мос келади. Лекин фарб ёки фарблаган (балки фарблагандир?) киноларда шундай яланғоч саҳналар борки, булар болалар тарбиясини бузишга «хизмат» қилади.

Албатта, катталарнинг ёмон муносабати, оталик ёки оналик вазифини удалай олмаслик, жиноят, зўрлик, фаҳш ёки беҳаёлик тарғиб қилинган фильмларни томоша қилиш, бекорчилик, яъни ишсизлик каби қатор салбий омиллар ҳам фарзандларимиз руҳиятини издан чиқаришни унутмайлик.

Яна бир асосий шарт шуки, болаларга тарбия беришга чоғланган ота-она, устоз ёки мураббийларнинг ўзлари ҳам тарбия бобида ибрат кўрсатишлари керак. Ана шундагина сизу биз эртага фарзандларимиз ортдан лаънат ёки афсус-надомат эмас, раҳмату дулар эшитамиз.

Бобур КЕНЖАБОВ,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ТАЪНА ЭМАС, РАҲМАТ ЭШИТАЙЛИК

ёхуд фарзанд тарбиясига оид айрим салбий омиллар хусусида

қолса — қурийдди, ҳаддан ортиқ кўп сув куйсангиз — чирийди. Жазирама кунларда кундузи эмас, кечки салқинда суғорасиз. Қаҳратон қишда совуқ уришидан сақлайсиз. Шохларини болалар синдириб қўямасин, уй ҳайвонлари шикаст етказмасин деб муҳофаза қиласиз. Курт-кумурскалар, қуш ва ҳашаротлар ҳужумидан қўриқлайсиз. Ўз вақтида бутайсиз.

Энди чуқурроқ ўйлаб кўрайлик, бир ниҳол-дарахтга шунчалик эътибор зарур бўлса, сизу бизнинг эртанги умидимиз, келажгимиз вориси бўлмиш фарзанд тарбиясига қанчалик катта куч ва жиддий масъулият талаб этилар экан. Тўғри, болаларни ақли, одоб-ахлоқли қилиб вояга етказишнинг шарт ва усуллари бизнинг донишманд алломаларимиз ёзган китобларда қайд этилган. Бироқ биз кўпинча бу мавзуда гап кетса, аксарият ҳолларда уларга ибратли ва ижобий таъсир кўрсатуви фазилатлар хусусида сўз юритамизу, энг керакли ва болаларнинг эртанги ҳаётида бевосита ва билвосита салбий роль ўйнаши мумкин бўлган омилларни унутиб қўямиз. Ҳолбуки, эртанги эгаларининг жамият ва халққа фойдаси тегадиган инсон бўлиб етишмоғида уларни, энг аввало, ана шундай нохуш таъсирлардан асрашнинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир.

Мутахассис олимларнинг кузатишича,



ди. Демак, бундай оилада ота-она ўзларининг бурч ва вазифаларини адо этолмапти.

Шунингдек, эр-хотин ўртасида мунтазам равишда содир бўлиб турадиган ўзаро жанжал ва келишмовчиликлар ҳам фарзандлар руҳиятига кескин таъсир қилиши қатор тадқиқотларда исботланган. Натижада, бола асабий, аламзада ёки уришқоқ бўлиб ўсади. Доимий низолар сабабли у яна оила муҳитидан узоқлашад ва кўчадан ўзига дилкаш одам ахтарайди. Агар топилган дўст-дугонаси одоблироқ бўлса-ку яхши, аксинча, ахлоқи бузилгани учраса-чи? Қалби нафратга тўлган, жанжалкаш бола келажда жамият учун зарарли, ҳатто хавфли шахс бўлиб етишиши ҳам ҳеч гап эмас. Фарбада, тўғрироғи, Европа мамлакат-

сини айтишдан чўчийди. Баҳолари пайсайиб кетган. Ўқитувчилари эса хайрон. Бир неча марта ота-онасини чақиртиришди, турли хил баҳоналарни рўқач қилиб, келишмади...

Кеча кечқурун ўғлининг кундалигига бехосдан кўзи тушган отаси жавраб кетди: «Нега яхши ўқимайсан, баҳоларинг нуқул икки-ку?!» Боланинг кўзлари ёшланди. Она эса катта-контан ойна олдида туриб қолларини тераркан, деди: «Айб муаллимларида адаси, яхши ўқитишмайди!»

«Мен не дейман, кўбизим на дейди» деганларидек, сунъий гўлдек ўсаётган бу бола аллақачон бегоналашиб бўлган эди...

Севара РЎЗМЕТОВА,
ЎЗМУ талабаси.

«Сунъий гул»

...Бу бола эсини танибдики, эшитадиган гапи деярли бир хил мазмунда: «Хозир даданг келсин, таъзирингни беради», «Кўшни айтди, боласини урибсан, ҳали шошмай тургин», «Сенчи, ҳеч қачон одам бўлмайсан», «Овозингни ўчир, катталар бир нарса деганда гап қайтармай жим ўтиргин» деган кўпол сўзларни онаси такрорлайвериб чарчамайди. Тинимсиз тақиб ва кўрқув исканжасида катта бўлаётган ўсмир ҳеч қачон ўзи эмин-эркин бирор ишни бажара олмайди. Ҳатто у миясига келган оддийгина фикрни ҳам айтишдан ийманади. Чунки кимдир унинг устидан кулишидан жуда кўрқади, дардини ноилож ичига ютади. Бирор-бир яқинроқ дўсти йўқ. Мактабга ҳам зўрга бориб келади. Дарсда ҳам аҳвол шу: билган нарса-

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ



«Бунёдкор» чемпион!

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида мuddатидан олдин чемпионликка эришти.

Миржолал Қосимов шогирдлари йигирма учинчи турда Ўз майдонида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасини қабул қилди. Учрашувнинг иккинчи бўлимида «Бунёдкор» футболчиси Камолиддин Мурзоев галаба келтирувчи голга муаллифлик қилди.

Ушбу галабадан сўнж жамаи 58 очко жамгарган «Бунёдкор» чемпионат якунланишига уч тур қолганида чемпионликни нишонлади. Тўртинчи мартаба миллий чемпионатда голиб чиққан «Бунёдкор» жамоаси келаси йили Осиё чемпионолар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди.

Энди барчанинг эътибори кумуш медаль учун бўладиган рақобатга қаратилади. Бу соврин учун курашаётган «Пахтакор» ва «Насаф» жамоалари йигирма учинчи турда Қаршида ўзаро куч сынашиши лозим эди. Лекин «Насаф»нинг Осиё футбол конфедерацияси кубоги мусобақасининг ярим финалида тўп сураётгани боис миллий чемпионат ўйини кечиктириладиган бўлди. Ҳозирча қаршилик чарм тўп усталари 45 очко билан иккинчи погонани банд этган бўлса, «пахтакор»чилар 44 очко билан учинчи ўринда.

Мусобақа жадвалида энг куйи погоналарга тушиб қолган «Зилқум», «Динамо» ва «Сўғдиёна» футболчилари олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун курашмоқда.

Биатлончиларимиз муваффақияти

Чирчиқ шаҳридаги «Жалолдин Мангуберди» спорт мажмуасида ўтказилган ёзги биатлон бўйича Осиё оқил чемпионати якунланди.



Қизгин ва мурасиз кечган баҳсларда ўсмир қизлар ва қизлар ўртасида ҳамюртларимиз Марина Хмелевская, Дармонжон Рўзमतова, Дилафрўз Имомхусанова, Алина Аюпова, ўсмирлар ва эркеклар ўртасида Руслан Носиров, Жамшид Тиллаев, Аликбер Юнусов, Икром Аҳмадбоевлар муваффақиятли иштирок этди.

Чемпионатда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бешта олтин, бешта кумуш ва тўққизта бронза медалини қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларни Қозғистон ва Россия биатлончилари эгаллади.

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамгармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамгармаси

Тахририятга келган кўлезмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



9 772010 760007

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Котибият: 237-21-82

Мухбирлар: 233-04-50

«Оила» бўлими: 234-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1028. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7615.

Баҳоиси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ

Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ

Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Мафтуна МИНГБОЕВА

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5